



СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ САМАРАЛАРИ

Шу кунларда халқимиз яқунига етаётган йилда барча соҳаларда эришилган натижаларни ҳар томонлама сарҳисоб қилмоқда.

Соғлом бола йили деб ном олган 2014 йил давомига, биринчи навбаторда, оилага ўзаро ҳурмат-иззат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгиш қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш бўйича улкан кўламадаги ишлар амалга оширилди. Бинобарин, соғлом бола, аввало, соғлом ва ақил оиланинг мевасидир.

Бу ҳақда сўз борганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида, аввало, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имконият-

ларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаш зарур. Хусусан, Дастур доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган амалдаги ҳуқуқий-меъриёв базани янада такомиллаштириш бўйича 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда


аҳолининг репродуктив саломамлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори моҳият-эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаргани билан фойтада аҳамият-лидир.

(Давоми тўртинчи бетда)



ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзгадан зиёд кузатувчи бевосита кузатиб борди. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.



Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан тараққиётга эришди. Жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжихатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ислохотларнинг самараси 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда яна бир қарна намён бўлди.

Сайловда кузатувчи сифатидаги иштироким халқингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Ўнлаб сайлов участкаларига бориб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдим. Ўртингизнинг

барча ҳудудларида сайловга қизгин ҳозирлик кўрилгани ва тadbир юқори савияда ўтганига гувоҳ бўлдим. Халқингиз кўтаринки кайфиятда, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлилик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Мамлакатингиз парламентида ўтган ушбу сайлов Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг янада кучайишига хизмат қилади. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошади. Бу Ўзбекистонда демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тадеуш БОДИО, Варшава университети Сиёсий фанлар институти профессори (Польша):

— Ўзбекистон тарихан қисқа даврда — мустақилликнинг ўтган йигирма уч йилида кўлга киритган улкан ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлар Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг "Ўзбек модели"ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Сайлов жараёнини Тошкент ва Бухоро шаҳарларида кузатдим. Сайлов участкалари барча зарур моддий-техника ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлангани, яши-

рин овоз бериш кабиналари билан жиҳозлангани, сайлов қутилари ўрнатилгани ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхати тузилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон — кўппартияли мамлакат. Сайлов жараёнида иштирок этган партияларнинг ҳар бири ўзига хос ўринга эга эканига амин бўлди. Сайлов барча халқаро нормалар — ошқоралик, ҳаққонийлик ва очиклик каби тамойилларга тўлиқ риоя этилган ҳолда, юксак савияда ўтди. Сайлов байрамона муҳитда ўтгани, одамлар юзқўзидаги қувонч ва кўтаринки кайфият менга жуда ёқди. Демократик тараққиёт йўли Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда.

Ефим КИЛАРЬ, МДХ Ижроия қўмитаси департамент директорининг ўринбосари:

— Ўзбекистонда парламент сайлови юксак савияда, жуда муваффақиятли ўтди, дейиш учун тўла асос бор. Мамлакатингиз фуқарolari овоз бериш учун сайлов участкаларига байрамона руҳда ташриф буюриб, бу жараёнда фаол иштирок этгани жуда қувонарли. Сайлов участкаларида

овоз бериш жараёнини кузатар эканмиз, Ўзбекистоннинг сайлов тизими қонунчилигига ва бу борадаги халқаро стандартларга зид келадиган хатти-ҳаракатларни, камчиликларни учратмадик. Сайлов жараёни барча қонун-қоидаларга мувофиқ, фойта тўғри, очик ва адолатли ўтди.

Баҳман Ага РАЗИ, Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосарининг маслаҳатчиси:

— Парламент сайловлари давомида кўплаб сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, шунга гувоҳ бўлдикки, барча сайлов

участкаларида мазкур сиёсий тadbир учун юксак даражада тайёргарлик кўрилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Ватан – улуг, бурчим муқаддас

Тошкентда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тadbирларни оммавий ахборот воситаларида янада кенг ёритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилги фаолияти яқунлари ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бошлиғи, под-

полковник М.Абилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Юк ташувчи "Боинг"нинг дастлаки парвози



"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг йўловчи ташишдан юк ташишга қайта жиҳозланган Boeing-767-300BCF самолёти Урумчи-Тошкент йўналиши бўйлаб дастлабки парвозни амалга оширди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 13-14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ўн олтинчи япни мажлисида сенаторлар томонидан "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам маъқулланди. Ушбу қонун 2014 йилнинг 5 декабрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Yangi qonun mohiyati

Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш – давр талаби

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиришлардан бири ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оидий ходимлар таркибидан иборат бўлган шахсларнинг, судьялар

ва прокуратура органлари даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлиб, ушбу тоифадаги ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланиши, шунингдек, уларга "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган асосларда пенсия олиш ҳуқуқи ҳам берилиши назарда тутилди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга тўлиқ риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида тadbир демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулкка кенг йўл очиб берилди, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳалқилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қўлай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратилди.

Айниқса, хусусий мулк ва қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада жами-

ятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштирилиши иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутатганини алоҳида қайд этиш лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ БОРМОҚДА

(Давоми. Бошланиш
биринчи бетда)

Барча участкалар сайлов қонунчилиги мувофиқ зарур техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминлангани катта таассурот қолдирди.

Сайлов участкаларида бошқа давлатларда учрамайдиган ўзига хос жиҳатларга гувоҳ бўлдик. Масалан, ёш болали фуқаролар учун қулайлик яратиш мақсадида,

она ва бола хонаси ҳамда сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида саломатлигини таъминлаш учун тиббиёт хонаси ташкил этилгани Ўзбекистонда инсон қадрини баланд эканининг яна бир индикаторидир. Бундай гўзал ва хайрли ислохотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса, арзийди.

Кеньичи МАЦУМОТО,
Япониянинг тиббиёт ускуналари соҳасида ташқи техник кўмаклашиш ташкилоти президенти:

— Парламент Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловни кузатарканман, Ўзбекистонда ушбу муҳим сиёсий воқеага катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Сай-

ловчиларнинг фаоллиги эътиборини тортди. Участкаларда сайловни ўтказиш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу Ўзбекистон халқи ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан собитқадам бораётганидан далолат беради.

Фолькер НEEФ,
"Berliner Blatt" электрон нашри бош муҳаррири (Германия):

— Сайлов жараёнининг юксак савияда ташкил этилгани, сайловчилар учун яратилган қулайликлар мени ҳайратлантирди. Масалан, бюллетен матни сайлов ўтказиладиган жойга қараб, уч тил — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилган. Сайлов участкалари тонги соат олтида очилиб, кеч соат саккизда ёпилгани ҳам менда катта

таассурот қолдирди. Овоз бериш учун етарлича вақт берилиши сайловчиларга ўз конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш имконини берди. Саломатлиги ёмонлиги сабабли сайлов участкасига кела олмаган ва кекса ёшли кишилар учун уларнинг хонадонларида овоз бериш ташкил этилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Сафо Маҳмуд Ал-ЖАНАБИЙ,
халқаро кузатувчи (БАА):

— Овоз бериш жараёни юқори даражада ташкил этилди, ҳаммаси пухта ўйланган. Сайловчиларнинг участкалар очилиши билан эрта тонгда келгани ва ўзининг фуқаролик бурчини адо этишга бўлган фаоллиги

мени ҳайратга солди. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашдим ва ушбу воқеанинг муҳимлигини яхши англаш, она Ватани келажагини белгилаш учун ўз масъулиятини чуқур ҳис этишига ишонч ҳосил қилдим.

Фадли ЗОН,
Индонезия халқ вакиллари Палатаси спикери ўринбосари:

— Сайлов куни Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Мен кўпгина мамлакатларда бўлганман. Аммо сайловга шу қадар пухта ҳозирлик қўрилгани ҳамда фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллигини қандайдан кам кузатганман. Сайлов участкаларида халқаро кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, журналистлар иштирок этгани сайлов жараёнининг чинакам очиқлигини таъминлади. Ўз миссиясини бажаришга сайлов комиссиялари яқиндан кў-

маклашди. Қонунчиликда парламент куйи палатасида Экоҳаракат вакиллари учун 15 депутатлик ўринининг квоталаниши назарда тутилгани эътиборлидир. Бу атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси йўлида кенг жамоатчиликни бирлаштирган ушбу ташкилотнинг нуфузини, давлат ҳокимияти унинг фикрларини инobatга олишга тайёрлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар осойишта, демократия тамойиллари асосида ўтказилди. Шубҳасиз, бунда сайлов қонунчилигининг шакллантирилгани муҳим омил бўлди.

Кэт РИЗ,
"The Haven Wolverhampton" ННТ бош директори (Буюк Британия):

— Сайлов кузатувчиси сифатида Ўзбекистон экологик ҳаракати мамлакат парламентига ўз вакилларини илгари суриши менда катта қизиқиш уйғотди. Бу, шубҳасиз, мамлакатда долзарб вазибалардан бири бўлган атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазасида дав-

лат ҳокимияти вакиллик органлари ролини оширишга хизмат қилади. Бизда Яшиллар партияси бор, лекин унинг жамиятда тугган ўрни юртингиздаги экологлар, атроф-муҳит химоячиларининг ушбу жамоатчилик оммавий ҳаракати каби эмас.

Ахим КОЕДДЕРМАНН,
Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

— Юртингиз ҳаётида демократик тамойиллар тобора чуқурлаштирилляпти. Бунга сайловда, хусусан, Самарқанддаги овоз бериш жараёнини кузатиш асосида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ушбу сиёсий воқеага тайёргарлик, ташвиқот-тар-

ғибот ҳамда овоз бериш жараёни миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилди.

ЎЗА ва «Халқ сўзи»
газетаси материаллари
асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиш
биринчи бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 9 декабрдаги Ватан химоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудда ушбу санага бағишлаб "Ватан — улуг, бурчим муқаддас" шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ватан химоячилари куни муносабати билан Жамоатчилик кенгаши аъзолари, таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, маданият, спорт соҳаси вакиллари билан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари томонидан ҳам ҳарбий қисм ва муассасаларда, юрт тинчлигини сақлаш йўлида фидойилик кўрсатган ҳарбий хизматчилар билан маҳаллалар, корхоналар ва таълим муассасаларида учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.


Тадбирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви

Xabar

Ватан — улуг, бурчим муқаддас

органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки йилдан-йилга кучайиб бораётгани қайд этилди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши халқ ва армияни боғловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий йилда Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар бўлиналар ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, Му-



дофаа вазирлигининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари жойларда бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маънавий хизмат шароитларини я-

шилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси билан танишди. Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилиб, кенг жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш борасидаги фикр ва таклифлари тах-

лил қилинди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўйб-га чиқариш, ҳарбий-спорт машғулотларини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда Жамоатчилик кенгашининг истиқболдаги вазибалари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди. Хусусан, ҳарбий хизматчиларда юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этиш каби ишлар режага киритилди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Qonun ko'magi

Шартнома интизомини

унга тўлиқ риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади



(Давоми. Бошланиш
биринчи бетда)

Жумладан, кейинги йилларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидалар ўз ифодасини тоғамий биринчи навбатда юртимиз тадбиркорларига ниҳоятда қўл келмоқда.

Ўз навбатида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши Фуқаролик кодекси қоидаларини янада аниқ ва сод-

далаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратди. Шартномавий муносабатларга бундай катта эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда шартномавий муносабатлар ва шартнома маданиятини ривожланган давлатлар даражасига кўтаришдан иборат, албатта.

Шуни қайд этиш жоизки, Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргаликда доимий равишда амалиётда қўлланиладиган турли хилдаги шартномаларнинг намунавий лойиҳалари тайёрланиб, тарафларнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, амалиётда қўллаш учун тегишли тартибда етказиб берилмоқда.

Шу ўринда хўжалик шартномала-

рини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилганини қайд этиш мақсада мувофиқдир. Айни вақтда вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектларга ўртасида, шу жумладан, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этмоқда.

Адлия идоралари томонидан 2014 йилнинг ўтган 9 ойи давомида кўплаб хўжалик юритувчи субъектларга, хусусан, 497 мингдан зиёд фермер хўжалигига тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш борасида зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Давлатга пахта хом ашёси сотиш бўйича 39 мингдан зиёд, бошоқли дон сотиш бўйича 46 мингдан ортик, пилла харид қилиш бўйича 44 мингдан зиёд, мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 92 мингдан ортик, агротехник хизматлар кўрсатиш бўйича 46 мингдан зиёд ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича 173 мингдан зиёд шартномалар тузилгани юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Айтиш керакики, тарафларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги тенг равишда белгиланган, қонуний тузилган шартномаларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга баъзан масъулиятсизлик билан қараш хол-

лари ҳам учраб туради. Жумладан, адлия идоралари томонидан ўтган давр мобайнида хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар ижросига оид бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Бу ҳолатлар юзасидан адлия органлари томонидан тегишли ташкилот ва идораларга оғоҳнома ва тақдимномалар киритилди. Қўрилган таъсир чораларига асосан айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, улардан 59 нафар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 31 миллиард 769 миллион сўм маблағ шартнома тарафларига қайтарилиши таъминланди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган ҳолатлар бўйича судларга 9 минг 151 та даъво аризалари киритилди. Ушбу 75,6 миллиард сўмлик даъво аризаларининг 44,5 миллиард сўмлик, яъни 5 минг 835 таси фермер хўжаликлари манфаатларига қаратилганини таъкидлаш лозим.

Масалан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг даъво аризаси қааноатлантирилиб, "Dialan techno card" масъулияти чекланган жамиятидан техника сотиб олиш учун тўланган 130 миллион сўм пул маблағлари "Дурдона-Машхура" фермер хўжалиги фойдасига қайтариб берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шартнома шартларини ўз вақтида ва тўлиқ адо этиш бехуда вақт йўқотиш, ортиқча харажатларнинг олдини олибгина қолмай, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамкорлар олдидаги нуфузини янада оширишга, томонлар манфаатини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Фарҳод АКБАРОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Mezon

Интизомий

Конституциямизнинг 37-моддасига мувофиқ, "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таққиланади".

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, авваламбор, меҳнат низолари тушунчасига ойдинлик киритиб олиш мақсада мувофиқдир. Меҳнат низолари деганда, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнатга оид бошқа шартномаларни қўллаш, шунингдек, янги меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунлади.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 16-моддасига биноан, ҳар бир ходим ўзининг меҳнат ҳуқуқларини химоя қилиш, шу жумладан, суд орқали химоя қилиш ва ма-лакали юридик ёрдам олиш

ҳуқуқига эгадир. Шу сабабли ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақли.

Меҳнат низоларини ҳал этувчи органлар тизимида суд алоҳида ўрин тутаяди. Судлар зиммасига юклатилган асосий вазифа — фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва корхоналарнинг қонуний манфаатларини химоя қилишдан иборат.

Меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси талабларига асосан, тарафларнинг келишувига кўра, тарафлардан бирининг ташаббуси асосида муддатнинг тугаши билан, тарафлар ишти-ёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, меҳнат шартно-

масида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилиниши мумкин. Қайд этилган барча ҳолатлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш қонун талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазо турларининг бири ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 182-моддасига мувофиқ, интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб

олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан кейин икки йил ўтганидан кейин интизомий жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Шундай бўлса-да, айрим иш берувчилар томонидан баъзан қонуннинг мазкур талабларига риоя қилинмасдан, интизомий жазо қўллаш муддати ўтгандан сўнг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳолатлари учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъвосини қаноатлантиришга ва ходимга

мажбурий прогул учун иш ҳақи ундиришга асос бўлади.

Масалан, даъвогар А.Ортиқов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Геотехнология қони бошлигининг 2014 йил 22 июлдаги буйруғини бекор қилиш, уни ўз ишига тиклаш, мажбуран юрган прогул кунлари учун жавобгардан иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2014 йил 10 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган. Яъни Геотехнология қони бошлигининг тегишли буйруғи ноқонуний деб топилган.

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

Бейфойда сўзни кўп айтма.

Заковат — бош ичидаги олтин.

Яхши фикрлар юрандан туғилади.

Фикр қалбга кирувчи нурдир.

Дўстидан яшириб иш қилган оқибатда, уялиб қолади.

Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

Яхшиликнинг энг мукаммали миннат қилинмагандир.

Кечирिश энг яхши фазиладир.

Ҳаё — инсоннинг абадий ёўзаллиги ва латофатидир.

Сабрлик киши етукликка эришади. Сабрсуз эса тубанлашади.

2014-йил — Sog'lom bola yili

Соғлом бола йили самаралари



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мустақиллик йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 8 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 600 дан ортук қонун қабул қилинганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, бу қонун ҳужжатлари инсон, хусусан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов ана шу ҳуқуқий асосни давр талаблари асосида изчил ривожлантириб бориш учун пухта замин яратди. Ушбу умумхалқ сайлови, бир томондан, электротнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуклик даражаси ошганини ёрқин намойиш эт-

ган бўлса, иккинчи томондан, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Ўзбекистон халқи ҳамжихатлигининг кўзгусига айланди. Айтиш керакки, жорий йилда мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваломбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шугулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилди. Бу борада 137 та тиббиёт муассасасида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани шулар жумласидандир. Соғлом болани вояга етказишда таълим-тар-

бия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтиришга жиддий аҳамият берилди. Шу жумладан, мактаб ўқувчилари учун 34 миллион 500 минг нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар юртинимизда таълим олиб бориладиган 7 тилда нашр қилинди. Бошланғич таълимнинг сифатини ошириш мақсадида, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар ўртасида такомиллаштирилди. Соҳага илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий этилаётгани алоҳида эътиборга лойик. Болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар давом эттирилди. Давлат дастури доирасида қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш мақсадида, уларга 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари тўпла-

ларга эса, уй-жой сотиб олиш, уй қуриш ва уни реконструкция қилиш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фозисиз қарз маблағлари ажратилганини қайд этиш лозим. Умуман олганда, мамлакатимизда "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирлар ижроси учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи ҳам бу борадаги фаолият кўлами ва миқёси нақадар улкан эканини яққол тасдиқлаб турибди. Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда бундай эзгу ва хайрли мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун пухта иқтисодий замин яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда фикр юритганда, жохон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамаздан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фозиздан зиёд бўлиб келаётганини эътироф этиш айни муддаодир. Бинобарин, 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда. Шу маънода, кириб келаётган йилимизнинг тинчлиги ва оқилоллик, фаровонлиги ва тўқинлик йили бўлишига, Кексаларни эъзозлаш йили деган ном эса, унинг янада мазмунли ўтишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил.

Бобомурод РАЙИМОВ

G'aroyib olam

Авалло шунинг айтиш керакки, "Гиннеснинг рекордлар китоби"нинг ношири ва тўловчиси Норрис Макуиртер ўз вақтида рекордларни "инсон эришган марралар" деб атаган эди.

Биз билган ва билмаган дунё



АНТИКА РЕКОРДЛАР ИШҚИБОЗЛАРИ

Аммо бу дунёда рекорд ўрнатишнинг ҳам йўли кўп экан. Мисол учун 30 ёшли Свен Ларсен эрта тонгданок Стокгольм вокзалида поездга чиқаётган ва вагонлардан тушаётган йўловчилар билан қўл олиб сўрашиш машғулоти билан бошлаб юборади ва бу кундуз соат 16 га қадар давом этди. Шу вақт мобайнида Ларсен 11220 нафар йўловчи билан қўл бериб сўрашишга ўзида куч топа олган кишига айланади. Перулик уч нафар ёш йигит эса, гитарада мусиқа чалиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. Улар ушбу мусиқа асбобида тўхтовсиз равишда нақ 55 соат давомида куй чалиб, тамошбинларнинг таҳсинига сазовор бўлишди. Брюссельда истикомат қиладиган Патрик Патин исмли шахс эса, тўхтовсиз билъярд ўйнаб, бу йўналишдаги мавжуд жаҳон рекордини янгиллади. У 245 соат давомида яшил мовут устида билъярд ўйнаб, ниҳоят олдинги рекорддан 5 соатга ўтиб кетишнинг удрасидан чиқди. АҚШда ҳар йили минглаб ёш йигит-қизлар антиқа мусобақа ўтказадилар. Улар гимнастик халқани уч кун мобайнида тинмай белларида айлантирадилар. Бирок рекордлар китобига фақат Роксана Роуз исмли қизнинг номи қайд этилди. Негаки, у халқани тўхтатмасдан 90 соат давомида айлантиришга муваффақ бўлди. Голландиянинг Туэло шаҳрида истикомат қилувчи Вильхельмина Йолнк исмли кекса аёл набириаси Морицанинг парашют спорти ҳақидаги жўшқин ҳикояларини тинглаб, спортнинг бу турига қизиқиб қолган эди. Ниҳоят, унинг орзуси ушадди. У ўзининг 80 ёшини 3000 метр баландликдан парашютда сакраш билан қарши олиб, оламшумул шов-шувга сабаб бўлди ва қари-

Юк ташувчи "Боинг"нинг дастлаки парвози

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда) "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиа ва юк ташиш бозорида мустаҳкам ўринни эгаллаб турибди. Ҳаво кемалари парки модернизация қилиниб, Фарбада ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база яратилди, аэропортлар реконструкция қилиниб, Ўзбекистон ҳудудида навигация тизи-

ми такомиллаштирилди. Яқинда миллий авиакомпаниямиз юк ташиш учун қайта жиҳозланган иккита Boeing-767-300BCF ҳаво кемасига эга бўлди. Улардан бири бортида қарийб 50 тонна юк билан Урумчи-Тошкент йўналиши бўйлаб дастлаки парвозни амалга оширди. Яқин вақт ичида иккинчи лайнер ҳам ўз фаолиятини бошлади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясидан

олинган маълумотларга кўра, ушбу юк ташиш самолётларида чартер рейслардан ташқари "Навоий" халқаро аэропортдан Дубай, Тянь-Цзинь, Франкфурт, Деҳли ва бошқа шаҳарларга ҳафтасига ўртача 13 марта ҳаво қатновини амалга ошириш режалаштирилмоқда. 53 тоннага қадар юк ташиш қувватига эга ушбу ҳаво кемаларнинг шовқин чиқариш бўйича туртинчи даража сертификатга эгаллиги (Stage

4 Noise Level) уларга тунги вақтда учиб чекланган аэропортларда ҳам учиб-қўниш имконини беради. Иккита "Боинг" ҳаво кемасини юк ташидиган Boeing-767-300BCF самолётига қайта жиҳозлаш лойиҳаси мамлакатимиз ҳукумати кўмагида амалга оширилди. Лойиҳанинг мақсади халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган замонавий юк ташиш самолётлари паркини ташкил этиш,

тамоийллари ҳам яққол намоен бўлди. Суд Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан, С. Истамовага нисбатан шартли жазо тайинланди. Мухтасар айтганда, турли қинғир йўлларга бош суқиб орқали мўмай даромад ортиришга уринган кимсалар қонун олдида жавоб бериш баробарида, эл-юрт ўртасида юзшувут бўлади. Шундай экан, ҳалол меҳнат ҳисобига мазмунли умр кечириш ҳаёт мезони эканини доимо ёдда тутиш лозим.

М. МАМЕТОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Jinoyatga jazo muqarrar

Қинғир ишнинг қийиғи

Амалдаги қонунларимизда фуқароларнинг мулк ҳуқуқи қафолатлари мустаҳкамланган бўлиб, унга даҳл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай қилмишлардан бири талончилик бўлиб, унинг ижтимоий хавфи жиҳати шундаки, бунда мулкка тажовуз очикдан-очик содир этилади. Бошқача айтганда, ушбу жиноий қилмиш ўзганинг мулкни ошқора талон-торож қилишга ифодаланган.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга тўхталиб ўтсак, бу турдаги жиноий қилмишлар аксарият ҳолларда бекорчи, ишэкмас, безори кимсалар томонидан содир этилаётганини кўриш мумкин. Энг ёмони, бундай қилмишга баъзи аёлларнинг ҳам қўл ураётганлиги ачинарли ҳод. Шундай кимсалардан бири Сурайё Истамовадир. Уч нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл бир хунарининг бо-

шини тутиб, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига осон бойлик орттириш илинжида нопок йўлни танлади. У кўнларнинг бирида тумандаги 25-мактаб худудида 4-синф ўқувчиси Дилдора Алламуродовани алдаб, маҳалла худудидан оқиб ўтувчи канал бўйига олиб борди. Кейин эса "қулогингдаги тилло зирақларингни ечиб бермансанг, сени каналга ташлаб юбораман", дея кўрқитади ва қизчанинг



Суд очерки

қулогидидаги бир жуфт 130000 сўмлик тилла зирагини очикдан-очик талон-торож қилиб, воқеа жойидан гоийб бўлади. Бу қилмишнинг ошқор бўлмаганидан ўзича қувонган Сурайё орадан бир неча кун ўтгач, тумандаги 54-мактаб худудида пайдо бўлади.

Ушбу мактабнинг 1-синф ўқувчиси Гулсанам Омоновага нисбатан жисмоний куч ишлатиб, қизчанинг қулогидидаги 132 минг 600 сўмлик тилла зирагини тортиб олади. Хайриятки, нопок йўлни танлаган бу аёлнинг қирқдорлари бу гал узоққа бармади. Воқеадан хабар топган мактаб ўқитувчилари хали узоққа кетишга улгурмаган Сурайёни тутиб олишди. Суриштирув асносида С. Истамова рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида оҳиз қолиб, айбига тўлиқ иқдор бўлди. Талон-торож қилинган тилла зирақлар эгаларига қайтарилди. Ўрни келганда, яна шуни айтиш керакки, ушбу суд мажлиси жараёнида қонунларимизга сингдирилган бағрикенглик, кечиримлилик

Равшанбек ҚУТИБЕКОВ, жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг раиси Абдунаби БОБОЁРОВ, "Куч — адолатда" мухбири

Куч—АДОЛАТДА МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шоюнус ГАЗИЕВ Мавжуда РАЖАБОВА Кўчкор ТОҒАЕВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Замира ЭСОНОВА Холмўмин ЁДГОРОВ Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ХАМРОЕВ Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон қўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий қўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56. Нашр индекси: Яқка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575. Буортма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табак, Сотувда эркин нархда. Адади: 6756. 1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰